52 (602)
2007 йил 26 декабрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Нормат ота кексаликни нари сурди...
▶ Ёшлар камолида ҳиссамиз бўлсин!

3
▶ «Чавандоз»нинг от чоптиришини кўринг!
▶ Одамдан одамга кераги оқибатдир!

4
▶ Қорбобонинг ...лицензияси борми?
▶ «Қиш ойлари шошмай алмашар...»

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 декабрь куни Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси, МДҲ Ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат МДҲ Ижроия қўмитаси раиси, айни пайтда МДҲ Кузатувчилари миссияси раҳбари сифатида ҳам ҳурмат қилишини таъкидлади.

Таъкидламоқ жоизки, мамлакатимизда 23 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайловида МДҲ Кузатувчилари миссияси таркиб жиҳатдан энг катта гуруҳ сифатида фаол иштирок этди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз бериш жараёнларининг кузатиши якунлари юзасидан холис хулосаларини баён қилди.

МДҲ Кузатувчилари миссияси ўз фаолиятини 10 декабрдан бошлади. Тошкентда унинг штаби, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонада бўлимлари ташкил этилди.

Ҳамдўстлик кузатувчилари пойтахтимизда ва қатор вилоятларда мингдан зиёд сайлов участкасида бўлдилар. Миссиянинг Баёнотида Ўзбекистонда Президент сайлови ва овоз беришга тайёргарлик кўришни халқаро ва ички кузатиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда ташкилий-техник шароитлар яратилгани, кузатувчилар сайлов жараёнини тартибга солувчи ҳужжатлардан фойдаланиш, Президентликка номзодларнинг сайловолди штаблари раҳбарлари ва сайловчилар билан учрашиш, барча округ ва участка сайлов комиссияларига бориш ҳамда зарур ахборотларни олиш имконига эга бўлгани, уларга сайловни ташкил этишда иштирок этган барча тузилмалар ҳар томонлама ёрдам кўрсатгани қайд қилинган.

МДҲ Кузатувчилари миссияси нафақат сиёсий партиялар, балки фуқаролар сайловчилар ташаббускор гуруҳларини ташкил этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга эканини ижобий баҳолади. Миссия Баёнотида МДҲ Кузатувчилари миссияси сайловни эркин, очиқ ва ошкора ўтди, деб ҳисоблаши қайд этилган. Сайлов Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ва мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилига айлангани эътироф этилган.

Давлатимиз раҳбари МДҲ Кузатувчилари миссиясининг фаолиятига юксак баҳо берди.

С.Лебедев самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Сайловда ғолиб чиққани муносабати билан Ислом Каримовни табриклади.

Суҳбат чоғида МДҲ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликка доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

Қашқадарё вилояти

Янги йил арафасида Тошкент—Қарши йўналиши бўйича "NASAF" тезюрар поездининг мунтазам қатнови йўлга қўйилди.

"NASAF" ТЕЗЮРАР ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ТУШДИ

Энди белгиланган манзилга етиб олиш учун йўловчиларнинг тўрт соат вақти тежаладиган бўлди. Поезд ҳаракат хавфсизлиги ва барча қулайликларга эга, шовқин ва тебранишлардан холи бўлган олтита вагондан иборат. Эътиборли томони шундаки, жаҳон стандарти талабларига тўла жавоб бера оладиган ушбу вагонлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган. 252 нафар йўловчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган поезд қатнови ҳозирча ҳафтанинг сешанба ва чоршанба кунлари амалга оширилади. Келгусида қатнов бир неча мартага кўпайтирилади.

Поезд қатновининг йўлга қўйилиши муносабати билан Қарши вокзалида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

СЎЗ – ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Бритта ВОЛЛЕНВЕБЕР, "Wostok" журнали муҳаррири (Германия):

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ичида хотин-қизлар вакилининг борлигини мамлакатингиз сайлов тизимидаги ютуқлардан бири сифатида баҳолаш лозим. Бу Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг амалий самарасидир. Ўзбекистонда бу борада эришилган кўрсаткичларга ҳавас қилса арзийди.

Мен аввал ҳам Ўзбекистонда ўтган сайловда иштирок этганман. Бу сафарги сайлов жараёнини кузатишда ҳам турли мамлакатлар, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этганининг ўзиёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови очиқлик, транспарентлик асосида, халқаро нормаларга мос ўтганини яққол кўрсатиб турибди.

Мен Қорақалпоғистон Республикасидаги бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнларини кузатар эканман, жойларда қонунчиликка қатъий риоя қилинганига, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини эркин амалга оширганига қатъий амин бўлдим.

ЎзА мухбири
А.ОРТИҚБОЕВ ёзиб олди.

* * *

Ирнерио СЕМИНАТОРЕ, Европа Иттифоқи халқаро тадқиқотлар институти директори:

— Самарқанд шаҳри ва Оқдарё туманидаги бир нечта сайлов участкаларида бўлдим. Барчасида сайловга катта тайёргарлик кўрилгани ва сайловчиларнинг савияси юқорилиги мени қувонтирди. Ҳеч қаерда фуқароларнинг овоз беришда бирон бир муаммога дуч келганига гувоҳ бўлмадим.

Участкалар барча замонавий техника, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Баъзи участка сайлов комиссияси раҳбарлари ва аъзолари билан суҳбатда бўлдим. Уларнинг барчаси сайлов қонунчилиги, тегишли меъёрий ҳужжатлар, ушбу сиёсий тадбирнинг мазмун-моҳиятини пухта билади.

Сайловчилар ҳам участкаларга шунчаки расмиятчилик учун келиб-кетаётгани йўқ. Улар мазкур сиёсий тадбирнинг мамлакат истиқболидаги аҳамиятини англаган ҳолда, онгли равишда овоз бердилар. Ўзим борган сайлов участкаларидан бирида соат 16.30 гача умумий сайловчиларнинг 90 фоиздан ортиғи овоз бергани бу жараёнга фуқаролар алоҳида эътибор билан ёндашганини кўрсатади.

* * *

Тошио ТОУРА, "Тори" компанияси маслаҳатчиси (Япония):

— Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ўз мустақил тараққиёт йўлидан изчил бориб, бу борада катта ютуқларга эришаётган мамлакатдир. Барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар қисқа вақтда ўз самарасини бераётгани ҳаммага маълум.

Бу ишларни изчил давом эттириш Президентликка номзодларнинг дастурларида акс этган. Мамлакат салоҳияти ва халқ фаровонлигини янада оширишга бўлган интилиш шу юртда яшовчи ҳар бир фуқаронинг – у ким бўлишидан қатъий назар – асосий мақсади бўлмоғи зарур.

Бўлиб ўтган сайлов мамлакат аҳолиси ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти сари дадил қадамлар ташлаётганини яна бир бор кўрсатди. Ўйлайманки, Ўзбекистон халқи ўзига муносиб йўлбошчини сайлади.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман. Айрим кузатувчиларнинг сайловчилар иштироки ҳақидаги рақамларга шубҳа билан қарашлари мени ҳайрон қолдиради. Шахсан мен Самарқанд вилоятидаги бир нечта сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиб, сайловчиларнинг фаоллигига, эрта саҳардан ўз хоҳишистаги билан овоз бериш учун келаётганига ҳавасим келди. Зеро, Шарқ халқлари тонгда барвақт туришни хосиятли, деб биладилар. Ҳар бир қитъанинг, минтақанинг, халқнинг ўзига хос табиати, менталитети бор. Буни эсдан чиқармаслик ва масалага шу нуқтаи назардан ёндашмоқ зарур.

ЎзА мухбири
Ф.ҲАСАНОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2007 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ ДУШАНБА ИШ КУНИНИ 2007 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ ШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2007 йил 31 декабрь душанба иш куни 2007 йил 29 декабрь шанба кунига кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 24 декабрь

Обуна — 2008

Азиз муштарий! Сиз қадрдон ҳаммасламгингиз, фаолиятда ҳамкорингизга айланиб қолган "Mahalla" газетасига обуна бўлишни кечиктириб ўтирманг. Бугун "Mahalla"га йиллик обуна бўлиш учун имкон бор, эртага кеч бўлиши мумкин.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Энди Қаршига тезюрар поездда борсак ҳам бўларкан...

Самарқанд вилояти

Ургутлик фермерларга байрам совғаси

Ургут туманидаги экин майдонларининг қарийб 1600 гектари насос станциялари ёрдамида суғорилади. Яқинда қуриб фойдаланишга топширилган "Уч қаҳрамон" насос станцияси Ургутдаги ана шундай иншоотларнинг йигирманчиси бўлди.

Ҳар сонияда 2100 литр сувни тортиш қувватига эга бўлган мазкур станция 2100 гектар ерни оби ҳаёт билан таъминлаши мумкин. Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буюртмаси асосида "Саъда Зарафшон сувқурилиш" масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилган мазкур иншоот қурилишига 3 млрд. 488 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

— "Уч қаҳрамон" насос станциясини барпо этиш 2000 йилда бошланган бўлсада, ишларнинг асосий қисми кейинги икки йил мобайнида бажарилди. Дарғом айланма каналидан сувни 46 метр баландликка чиқариб бериш учун 3400 метр узунликдаги қувурлар ўрнатилди. Эндиликда Ваткан, Оққўрғон ҳудудидаги 129 та фермер хўжалигига қарашли ерлар ва 200 дан зиёд шахсий томорқалар ушбу станция ёрдамида суғорилади.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

Янги йил байрами арафасида Андижон темирйўл шоҳбекати яқинида Бобур номли хиёбон барпо этилди.

АНДИЖОНДА ЯНГИ ХИЁБОН

Мазкур хиёбон вилоятдаги қурилиш ташкилотлари томонидан қисқа муддатда қуриб битказилди. Унинг ҳудудига минглаб туп гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Йўлак ва очиқ майдонлар эса бетон плиталар билан қопланди. Хиёбонга буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг от минган ҳолатдаги салобатли ҳайкали ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

Хиёбоннинг очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов қурувчиларга миннатдорчилик билдириб, вилоят аҳлини кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этди.

У.САКСОНБОЕВ

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори,
1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Мустақил Ўзбекистон давлатининг дунё харитасидан ўрин эгаллаганига 16 йил бўлди. Бу давр ичида Ўзбекистонда демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Бугун мустақилликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятларни тараққий этган кўпчилик давлатлар ҳам эътироф этмоқда.

Истиқлолга эришганимиздан кейинги ўтган тарихан қисқа даврга назар ташласак, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг раҳнамолигида ва бевосита ташаббуслари билан турли соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини белгилаб бераётганлигини кўрамиз.

Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ғоясини илгари сурдилар. Шу асосда миллий анъаналар, муқаддас қадриятлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзида мужассам этган Конституциямиз ва қонунларимиз ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу жараёнда шошма-шошарликка йўл қўйилмади ёки қайсидир давлатнинг қонунчилик механизми андоза қилиб кўчириб олинмади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг мутлақо янги концепцияси яратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришини кузатадиган бўлсак, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган, ўз тарихи, бугуни ва келажагини тасаввур қила олган фуқароларимиз улуғ мақсад йўлида бирлашиб, қудратли яратувчи кучга айланиб бораётганини кўрамиз. Сиёсий ва ҳуқуқий тафаккури ўзгариб ва янгиланиб бораётган фуқаролар қонун ижодкорлигида фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳар бир қонунни тайёрлашда бу ҳуқуқий меъёрнинг халқимиз ҳаётини яхшилаш учун қай даражада самара бериши мумкинлиги нуқтаи назаридан ёндашилди. Бу эса, албатта, ислоҳотларнинг узоқни кўзлаб, инсон манфаатларини ўйлаб, чуқур мулоҳаза асосида, замон билан ҳамнафас руҳда амалга оширилаётганидан далолатдир.

Бу жараёнда, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликлар алоҳида ўринга эга.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи бу тизимни ислоҳ қилишга умумдавлат аҳамиятига молик, ўзбек миллий моделининг тақдирини ҳал қилувчи асосий масалалардан бири сифатида қаралиб, янгича асосда суд-ҳуқуқ тизимини яратишга жиддий киришилди.

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлаш ва таъминлаш ҳар қандай давлатнинг биринчи даражали вазифалари эканлигидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат функцияларини амалга оширувчи барча органларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари қайта кўриб чиқилди.

Бунда асосий эътибор суд ҳокимиятининг жамиятдаги обрўсини ошириш, ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган функциялари янада кучайтирилди.

Бу жараёнлар прокуратура фаолиятини ҳам жиддий ислоҳ қилишни тақозо этди. Прокуратура органлари фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди ва уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгартиришлар киритилиб, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилди.

Натижада муқаддам кўп йиллар давомида жиноий жавобгарликнинг амалга оширилишида таъқиб этувчи ёки содда қилиб айтганда, «қораловчилик» вазифаларини бажариб келган прокуратура органлари янги қабул қилинган қонунга кўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоячиси сифатида эътироф этилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим босқичларидан бири — бу 2001 йилда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ғоялари асосида ва бевосита ташаббуси билан «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганлигидир.

Ушбу Қонун асосида амалдаги қонун ҳужжатларига жиноятларни таснифлаш билан боғлиқ бир қатор ўзгартиришлар, жиноят учун жазо белгилаш ва уни ўташ қоидаларига ҳам муайян енгилликлар киритилди, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди ва ярашув институти жорий қилинди.

Мазкур Қонун қабул қилинган дастлабки вақтда айрим ҳуқуқшуносларда жиноий жавобгарликнинг эркинлаштирилиши мамлакатнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида жиддий муаммолар юзага келтириши ҳамда жиноятларнинг кескин ортиб кетишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида пайдо бўлган хавотирларнинг ўринсизлиги ва асоссизлигини охирги 6 йиллик амалиёт яққол кўрсатиб берди.

Жиноий жазолар тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича давлатимиз раҳбарининг бу ғоясининг муҳим аҳамияти шундаки, бунда оғир жазолар тайинлаш сиёсатини кескин юмшатиш, айни вақтда, иқтисодий санкциялар ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа муқобил жазоларни кенг қўллаш орқали жиноятчиликка таъсирчан зарба берилди.

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Тошкент вилояти

Янгийўл туманидаги Кескин маҳалласи кўчабошиси Нормат ота Ўтбосаров фаолиятда маҳалладошларига, хонадон бошлиғи сифатида ёш оилаларга, тадбиркорликда фермерларга ўрнак. Етмиш ёшни қоралаб қолган бу заҳматкаш инсон ўзи раҳбарлик қилаётган "Ўлмас-Нормат" фермер хўжалиги юмушларидан вақт ажратиб, йиғиндаги ташкилий ишларни ҳам уддалашга улгуради.

Унинг турмуш ўртоғи Раҳима ая ҳам маҳалла фаолларидан бири.

СУРАТДА: *Н.Ўтбосаров турмуш ўртоғи Раҳима ая ва невараси билан.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Натижада мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги ошди ва ўта хавфли жиноятларнинг йилдан-йилга камайишига эришилди. Хусусан, мамлакатимизда 2000 йилга нисбатан ҳозирда оғир ва ўта оғир жиноятлар 56 фоизга, қотиллик жиноятлари деярли 24 фоизга, ўғирлик 42 фоизга, номусга тегиш 7,4 фоизга ва безорилик 6 фоизга камайди.

Қонунчилигимиздаги ўзгаришлар туфайли сўнгги йилларда фуқароларни қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ҳоллари кескин камайди.

Жиноий жазолар либераллаштирилишига қадар, яъни 2000 йилда жиноят содир қилган 31 минг нафардан ортиқ шахс ёки ҳар икки айбланувчидан биттаси дастлабки тергов даврида қамоққа олинган бўлса, 2007 йилда бундай чора ҳар беш нафар айбланувчидан биттасига ёки 12 минг нафар шахсга нисбатан қўлланилган, холос.

Ўз навбатида, жиноят ишлари бўйича судлар амалиётида ҳам озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни қўллаш сезиларли даражада камайди.

2000 йилда судланганларнинг 47 фоизи озодликдан маҳрум қилинган бўлса, 2006 йил ва жорий йилда суд ҳукми эълон қилинган шахсларнинг деярли 70 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар қўлланилган.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳасидаги 8 турдаги жиноятлар бўйича етказилган зарар қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги тўғрисида қонунчиликка киритилган ўзгариш жуда катта самара берди. Бу билан, биринчидан, ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларни жамиятдан ва оиласидан ажратмасдан қайта тарбиялаш имкони пайдо бўлди. Иккинчидан, жиноят оқибатларини бартараф этиш ва талон-торож қилинган моддий бойликларни қайтариш имконияти кенгайди. Хусусан, фақат охирги икки йил давомида жиноятлар туфайли етказилган зарарнинг 82 фоизи, яъни 329 млрд. сўмининг айбдор шахслардан ундирилиши таъминланди.

Шунингдек, мазкур қонун қабул қилинганидан ҳозирги кунга қадар ярашув асосида 65 мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

Жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатининг яна бир муҳим жиҳати сифатида илгари жиноий жавобгарликка тортилган шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолларининг йилдан-йилга камайганлигини, яъни жазонинг тарбиявий аҳамияти ошиб бораётганлигини айтиш мумкин.

Қонунчиликда амалга оширилган либераллаштиришдан кейин жиноятларнинг бу тарздаги камайиши мамлакат раҳбарининг «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ёки шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ» деган фикрлари нақадар тўғри эканлигини яққол тасдиқлаб турибди.

Либераллаштириш сиёсатининг бундай самараси жиноят учун жавобгарлик тизимига янада енгилликлар киритиш мумкинлигидан далолат берди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичининг асосий вазифалари мамлакатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида сўзлаган "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" номли маърузасида белгилаб берилди.

Маърузада бу вазифаларни амалга оширишда мустақиллик йилларида тўпланган тажрибани таҳлил этишимиз, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари асосида суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш ва либераллаштириш орқали судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини, инсоннинг яшаш ҳуқуқини ва бошқа конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашимиз, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтиришимиз, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришимиз ҳамда бу борада аниқ чора-тадбирларни белгилашимиз даркорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги вазифалар ичида ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамиятга эга бўлган, бугунги кунда дунё ҳамжамияти диққат марказида турган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида эътироф этилаётган ўлим жазосини жиноий жазо тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масалаларининг ҳал қилиниши — мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида оғишмай олдинга қараб бораётганлигини яна бир бор тасдиқлади.

Жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатининг мантиқий давоми сифатида 2005 йил 1 августда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ушбу янгилик халқимизнинг эзгулик ва меҳр-шафқат, бағрикенглик ҳамда кечиримлилик каби хислатларининг яна бир ёрқин ифодаси бўлиб, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги сифат босқичини бошлаб берди.

Бугунги кунга келиб, дунё давлатларининг учдан икки қисмида ўлим жазоси қонун асосида бекор қилинган ёки амалда қўлланилмайди.

Йилдан-йилга дунёда ўлим жазосидан воз кечаётган давлатлар сафининг ортиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, 1990 йилдан ҳозирга қадар 45 дан ортиқ давлатда ўлим жазоси бекор қилиниб, бундай давлатлар сони 80 тадан ошди.

Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан жорий йилнинг 11 июль куни қабул қилинган Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида белгиланган жазо тизимидан ўлим жазоси чиқарилиб, янги жазо тури сифатида умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси киритилди. Шунингдек, жиноят қонунчилигида узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишнинг тушунчаси берилди.

Қонунда умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари фақатгина жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Айни пайтда, инсоний қадриятлар ва инсонпарварлик тамойиллари асосида бу жазолар аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга, олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланиши мумкин эмаслиги назарда тутилди.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг жиноий жазолар тизимига киритилиши жиноят ижроия қонунчилигида ҳам айрим ўзгаришларга олиб келди.

Хусусан, умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган маҳкумлар жазони махсус сақлаш шароитларига эга бўлган махсус тартибли колонияларда ўташлари белгиланди. Қайд этиш лозимки, бу тоифадаги маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларида сақлаш шароитларини белгилашга қаратилган қонун меъёрлари халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилган ҳолда ишлаб чиқилди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг янги бир муҳим босқичига асос солган, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикасида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масаласи алоҳида ҳуқуқий аҳамиятга эгадир.

Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони асосида Жиноят-процессуал кодекси, прокуратура ва судлар тўғрисидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишида бир қатор хориж давлатларининг тажрибалари ўрганилди, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг тажрибали ходимлари ва кенг жамоатчилик фикри инобатга олинди.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши негизида бу турдаги эҳтиёт чорасини танлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, қонун ҳужжатларининг устуворлигини таъминлаш кўзда тутилган. Эндиликда қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи судга тақдим этилган далилларни томонларнинг тортишув принципи асосида текширилиб, қонуний қарор қабул қилинишига замин яратилди.

Қабул қилинган қонун талабига кўра, ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда қамоққа олиниши мумкин эмас.

Суднинг қонунчиликда белгиланган ваколатлари кенгайтирилди. Дастлабки тергов давомида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш билан боғлиқ илтимосномаларни кўриб чиқиш ҳуқуқи жиноят ишлари бўйича туман судлари ва уларга тенглаштирилган судларнинг судьяларига берилди.

Қонунда, тергов ҳаракатларини амалга ошириш мобайнида айбланувчи ёки гумон қилинувчи шахсга қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга етарли асослар мавжуд бўлганда прокурор ёки прокурорнинг розилиги билан терговчи бу ҳақда судга илтимоснома билан чиқиши тартиби белгилаб қўйилди. Унга кўра, жиноят содир этишда гумонланиб ушланган шахсни қамоққа олишга асос бўлувчи ҳужжатлар, тегишли илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарор билан биргаликда судга тақдим этилади.

Суд ўз навбатида, мазкур ҳужжатларни якка тартибда ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқади. Бунда прокурор, айбланувчи, ҳимоячи иштирок этади. Шунингдек, гумонланувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили ва терговчининг бу жараёнда иштирок этиш ҳуқуқи белгилаб қўйилди.

Ушланган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ЖПКнинг 226-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унда терговчи ёки прокурор томонидан етарли далиллар тақдим этилганда, гумонланувчи ёки айбланувчини суд қарори билан ушлаб туриш муддати қирқ саккиз соатгача узайтирилиши мумкинлиги белгиланди.

Бу янгилик қамоққа олишнинг асослилиги ёки асоссизлигига қўшимча далиллар тақдим этиш учун томонларга имконият яратади ва қонуний тўхтамга келишга кўмаклашади.

Қамоққа олиш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масалалари юзасидан суднинг ажрими устидан апелляция тартибида шикоят билдирилиши ёки протест келтирилиши тартиби ҳамда муддатлари белгиланди.

Айнан шу масала билан боғлиқ шикоят ёки протестларнинг апелляция инстанциясида 72 соат ичида кўриб чиқилишининг белгилаб қўйилиши, уларнинг қисқа муддатларда қонуний ҳал этилиши билан фуқароларнинг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Жиноят-процессуал қонунчилигимизда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича қамоққа олиш эҳтиёт чораси алоҳида ҳолларда қўлланиши назарда тутилган. Лекин Қонунда бу аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли «алоҳида ҳолларда» деган тушунча ҳар хил талқин қилинар эди.

Бундай тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини фақат айбланувчи ёки гумонланувчига тергов ва суддан яширинишига шароит яратиб берувчи жиддий асослар мавжуд бўлган бешта ҳолатда қўлланиши аниқ белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ишни судга қадар юритиш жараёнида қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин қамоқда сақлаш учун асослар бўлмаса, прокурор томонидан, шунингдек, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чораси тўғрисида қарор чиқарган судни хабардор қилган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Судларга қайта мурожаат қилмасдан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ва бекор қилиш масаласининг бу тарзда ҳал этилиши дастлабки тергов мобайнида айбланувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган процессуал ҳаракатларнинг тезликда қабул қилинишини таъминлайди ва бу билан боғлиқ сансалорликларга чек қўяди.

Умумий қилиб айтганда, ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши билан боғлиқ қонун ҳужжатлари, авваламбор, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келади.

Қайд этиш керакки, мазкур қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, қолаверса, уларни амалда қўллаш тартибини ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари ходимларига ўргатиш борасида кенг қамровли тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, республикамизнинг ҳар бир вилоятига борилди ҳамда жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг барча ходимлари ва жамоатчилик вакиллари билан семинар-машғулотлари, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказилди.

Мазкур тадбирларда бўлиб ўтган мунозаралар, баҳслар, билдирилган таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар ушбу қонунларни амалда татбиқ этиш борасида раҳбарий тушунтириш бериш зарурлигини кўрсатди.

Бу жараёнга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура ходимлари, тажрибали ҳуқуқшунос олимлар жалб қилиниб, асосий эътибор мунозарали масалалар бўйича ягона тўхтамга келишга ва амалиётда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг ечимини топишга қаратилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи мутасадди органларнинг идоравий ҳуқуқий ҳужжатлари қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтирилди, тегишли қоидалар ва ўрнатилган тартиблар қайта кўриб чиқилди.

Шунингдек, 2007 йил 14 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги ҳамда "Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши билан боғлиқ қонунлар 2008 йилнинг 1 январидан кучга киритилади. Шуни инобатга олган ҳолда, ушбу жараёнга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

Республикамизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга хизмат қилади. Давлатимизнинг жаҳондаги обрўсини янада оширади. Фуқароларимизнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келади.

Жиноий жазо тизимини либераллаштиришга доир қонунларни амалиётга тўғри татбиқ этиш прокуратура органлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

«Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 21 декабрь сонидан кўчириб босилди.

Йил сарҳисоби

Қашқадарё вилояти

ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Қарши шаҳрида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижроси якунланди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда шаҳардаги мавжуд 62 та маҳалла фуқаролар йиғини, корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда йил дастури доирасида амалга оширилган ишлар кўлами ва аҳамияти ҳақида сўз юритилиб, мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашган маҳаллалар, фуқаролар, жамоа ва ҳомий ташкилотларга самимий миннатдорчилик билдирилди.

Йил якунланиб бораётган ҳамда янги 2008 йил — Ёшлар йили яқинлашиб келаётган бир пайтда Қарши шаҳридаги 33-махсус ёрдамчи мактаб ҳамда 23-мактабнинг ногирон ва кам таъминланган ўқувчиларига замонавий компьютер тўпламлари ҳадя этилди. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг аъзолари, ногирон ва фахрийларга сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилиб, қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

Жиззах вилояти

Жорий йил адоғи ва янги йил остонасида туриб, аввало, ниҳояланаётган йилда қандай муваффақиятларга эришдигу, нималарда камчилигимиз намоён бўлди, деган саволларни ўзимизга бериб кўрамиз.

ЁШЛАР ЙИЛИ ОСТОНАСИДА...

Ҳеч шубҳасиз, Ижтимоий ҳимоя йили шаҳримиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ҳам сезиларли из қолдирди. Йил дастури доирасидаги кенг қамровли ишлар натижасида шаҳар халқ хўжалигида рентабеллик даражаси ўтган йилдагига нисбатан 1,2 бараварга ошди. Бу эса кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш учун имкониятларни янада кенгайтирди.

Хусусан, ўзгалар ёрдамига муҳтож, кўп болали, боқувчисини йўқотган, етим болалар ҳамда ёлғиз қарияларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш мақсадида давлат томонидан ҳамда ҳомийлар кўмагида мазкур тоифадаги кишилардан 13722 нафарига 900 миллион 540 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. Юзлаб эҳтиёжманд оилаларнинг уйлари таъмирланиб, кўпгина фуқароларнинг коммунал тўловлардан мавжуд қарзлари тўланди. Қария, ногирон ва касалманд фуқароларнинг ҳолидан мунтазам хабардор бўлиш, ота-онасиз ўсган болалар ҳамда кам таъминланган оила фарзандларининг хатна ва никоҳ тўйларини ўтказиб бериш эса анъанавий юмушларимиздан бирига айланиб қолди.

Жиноятчилик, гиёҳвандлик ва диний экстремизм каби салбий иллатларнинг олдини олишда ҳар бир маҳалла оқсоқоли ўз йиғинидаги маслаҳатчи, посбон, профилактика нозири ва жамоатчилик билан ҳамкорликда доимий равишда иш олиб боряпти. Шу боис ушбу йўналишларда ўтган йилдагига нисбатан қонунбузарликнинг кескин камайишига эришилди.

Жорий йилда оммавий спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Биргина, "Футболимиз келажаги" турнири мусобақалари кенг миқёсда ўтказилиб, Сайилжойи маҳалласи ёш футболчилари мусобақанинг нафақат вилоят, балки республика босқичида ҳам ғолиб бўлди.

Очиқ айтиш жоизки, якунланаётган йилдаги фаолиятимиз айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Жумладан, ободончилик ва бунёдкорлик борасидаги ишларимизнинг кўлами қанчалик кенг бўлмасин, хонадонимизни, маҳалламизни, шаҳримизу юртимизни бундан-да гўзал ва озода қилиш мумкин, деган ўй доим хаёлимиздан ўтади. Айрим фуқаролар йиғинлари фаолияти замон талаблари даражасида эмас. Тўй ва маросимларни ўтказишда ҳануз исрофгарчилигу ортиқча харажатларга йўл қўйилмоқда.

Албатта, бундай хато ва камчиликларни ҳал этиш иштиёқи келаётган йилда бўлинмамиз олдига янада катта вазифаларни қўяди. Шуларни эътиборга олиб, ходимлар билан кенгашган ҳолда Ёшлар йилида амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар режасини тузишга киришдик. Зотан, биз ёшларимизнинг истиқболини, уларнинг янги марраларни эгаллашини жуда истаймиз. Аммо ишончим комилки, келаётган йилда ўз ҳаётида қандай ўзгаришлар, янгиланишлар рўй беришини фарзандларимиз биздан кўра кўпроқ умид билан кутишмоқда.

Меҳри УМАРОВА,
"Маҳалла" жамғармаси
Жиззах шаҳар бўлинмаси раиси.

Ислоҳот самараси

Инсон қадрланган юртда яшаймиз

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз томонидан мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, яъни пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар ва якка-ёлғиз қарияларни ижтимоий муҳофаза қилиш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Ўтган йиллар мобайнида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, айниқса, пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2002 йилдан бошлаб мамлакатимизда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган меҳнат стажи давоматини чеклаш бекор қилинди, 2005 йилдан эътиборан эса пенсия маблағларини фуқароларнинг жамғарма ҳисобварақаларида якка тартибда жамғариш тамойилларига асосланган пенсия тизимининг янги қўшимча механизми жорий этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг имзоланиши ҳам аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш фаровонлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Бинобарин, кексаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсиялари миқдорини ошириш, шунингдек пенсия таъминоти тизимини изчиллик билан такомиллаштириб бориш мақсадида 2007 йилнинг 1 октябридан бошлаб пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саккиз каррасигача оширилди.

Маълумки, кейинги йилларда ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан ортиб бормоқда, пенсия ёшига етган фуқаролар орасида эса меҳнат даромадлари юқори бўлган ходимлар тобора кўпаймоқда. Мазкур норманинг жорий этилиши ушбу йилнинг 1 октябриданоқ пенсияга чиққунга қадар нисбатан юқори иш ҳақи олган пенсионерларнинг маълум тоифаси учун пенсиялар миқдорини анча кўтариш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг кўпроқ ҳақ тўланадиган унумли меҳнатдан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва ислоҳ қилишда фаолроқ иштирок этишдан манфаатдорлигини кучайтиришга имкон яратади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони нафақат 2007 йилнинг 1 октябридан кейин пенсияга чиқадиган фуқароларга, балки биринчи навбатда, ҳозирги кунда пенсияда бўлган фуқароларга ҳам тааллуқлидир. Шу муносабат билан, ижтимоий таъминот органлари томонидан пенсияларни тайинлашда ўртача иш ҳақи энг кам иш ҳақининг етти карра миқдоридан ортиқ бўлган шахсларнинг илгари тайинланган барча пенсиялари, жумладан, ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари ҳам қайта кўриб чиқилди ва янги меъёрдан келиб чиққан ҳолда оширилди.

Мазкур Фармоннинг бажарилишини таъминлашда, вазирлигимиз томонидан унинг ижроси бўйича буйруқ, қўлланма хат ва йўриқномалар ишлаб чиқилиб, республикамиз ҳудудидаги барча бўлимларимизга етказиб берилган. Фармоннинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бериш мақсадида республикамиздаги оммавий ахборот воситалари орқали ҳам аҳолига тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Вазирлигимиз ва жойлардаги бўлимларимиз қошида "ишонч" телефонлари ташкил этилиб, улар орқали фуқароларимиз пенсия таъминоти билан боғлиқ керакли маълумотларни олишлари мумкин.

Халқ банкининг барча филиаллари ва алоқа бўлимларига тўлов варақалари тайёрланиб, етказиб берилди. Яъни пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсиялар миқдори ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилди ва тўланиши таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йил 16 ноябрдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 23 октябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонига биноан пенсиялар миқдори 1,2 бараварга оширилди. Энг аҳамиятлиси, пенсия таъминоти ёки аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш нафақат ниҳояланаётган жорий Ижтимоий ҳимоя йилида, балки келгусида ҳам давом эттириб борилади. Зотан, Юртбошимиз И.Каримов томонидан белгиланган стратегик муҳим вазифа — ҳар уч йилда аҳолининг даромадлари ва иш ҳақининг ўрта ҳисобда 2-2,5 баравар оширилишини таъминлаш орқали яқин йиллардаёқ ўз аҳолиси даромадлари ва фаровонлигининг юксак стандартларини таъминлаётган мамлакатлар даражасига етказиш вазифасидан кўзланган мақсад ҳам шу.

Маҳмуд ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Пенсия таъминоти бошқармаси бошлиғи.

Юртдошларга тилаклар

Олтингул МУСАЕВА,
"Келажак овози — 2007" кўрик-танловининг "Тасвирий ва амалий санъат" йўналиши бўйича республика босқичи ғолиби:

— Ўтаётган йилда ҳаётимдаги энг муҳим воқеа — "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган "Келажак овози" танловидаги иштироким ва ғолибликни қўлга киритганим бўлди. Инсон, албатта, кўзлаган мақсадига эришгач, яна олга интилади, орзу қилади. Менинг келажакдаги орзуим — ўз маҳоратим ва қобилиятимни халқаро танлов ва анжуманларда қатнашиб, мустақил Ватанимга муносиб фарзанд бўлиш. Тенгдошларимга, умуман, ўзбекистонлик ёшларнинг барчасига яқинлашиб келаётган 2008 йил — Ёшлар йилида улкан ижодий ютуқлар, омад ва бахт ёр бўлишини тилайман.

Юрий КАЛИШ,
Академик Воҳидов номли Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази директори:



— Бугун мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори тиббиёт соҳаси ҳам жадал суратларда ривожланиб бормоқда. Малакали шифокорларимиз хорижлик етук мутахассислардан тажриба орттирган ҳолда турли даражадаги жарроҳлик амалиётларини, замонавий технологиялар ёрдамидаги муолажаларни республикамизда кенг қўлламоқда.

Эндиликда деярли ҳар қандай касалликни даволаш, олдини олиш учун барча шароитлар муҳайё.

Аммо бу хотиржам яшаш мумкин дегани эмас. Келаётган янги йилда ҳамма юртдошларимга шуни тилардимки, тану жони соғ, хонадони тинч бўлсин.

Мамлакат ТОШЕВА,
Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги Абдурауф Фитрат номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

Ёшлар орзусига етсин!

— Маҳалладошларим ишонч билдиргани боис етти йилдан буён маҳалламиз йиғини ишини бошқариб келаман. Ҳали бирон марта "Шу масъулиятни бекор зиммамга олган эканман", деган ўйга борганим йўқ. Ҳар бир ишда йиғин ходимлари, кўпни кўрган нуроний кексаларимиз маслаҳатига суянамиз.

Янги йил арафасида ҳар биримиз янги режаларни чамалаймиз, ниҳоясига етаётган йил сарҳисобини қиламиз. 2007 йил маҳалламиз ҳаётида яхши из қолдирди, хайрли ишларимиз Ижтимоий ҳимоя йилида ҳар қачонгидан салмоқли бўлди, деб ҳисоблайман. Тадбиркорларимиз сафи кенгайди, маҳалламизда матога гул тикиш цехи ишга тушди, касаначилик кундан-кунга оммалашиб бормоқда. Қоровулбозор туманидаги Бухоро нефтьни қайта ишлаш заводи 1 миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Бу маблағнинг ярмини маҳалламизда яшовчи 97 нафар меҳнат фахрийлари ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, эҳтиёжманд фуқароларга моддий-маънавий кўмак кўрсатишга сарфладик. Қолган маблағ эвазига маҳалла идорасини кенгайтириш, таъмирлаш ва жиҳозлаш каби юмушларимиз битди. Сартарошхона, телевизор тузатиш устахонаси очишни режалаштирганмиз.

Маҳалламиз Бухоронинг Эски шаҳар мавзесида жойлашган, бу ерга сайёҳлар ва меҳмонлар кўп келишади. Шу боисдан ҳудудимизда ободончиликка алоҳида эътибор қаратамиз. Бундан ташқари, ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун қулай шароит яратиш масаласига жиддий ёндашганмиз. Маҳалламиз ёшларидан тузилган футбол жамоасига Ғолиб Казаков ўн йилдан буён мураббийлик қилиб келмоқда. 2005 йилда 13-14 ёшли спортчиларимиз республика миқёсидаги "Футболимиз келажаги" кўрик-танловида фахрли учинчи ўринни эгаллашган. Ушбу спорт тури маҳалламиз ёшларининг жону дили. Уларнинг спорт майдонидаги машғулотларини кузатиб тураман, ёшларимизнинг беғуборлиги ва тиришқоқлигидан завқим ортади. Келаётган 2008 йил Юртбошимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилингач, ёшларимизнинг қанчалик хурсанд бўлганини бир кўрсангиз эди! Аслида ота-онаси, юртдошлари бошини силаган, атрофдагилардан ғамхўрлик кўрган ёшлар келажак ҳаёти, фаолияти хусусида жиддий мулоҳаза юритади, режалар тузади, ижодий изланади, ўзида мавжуд қобилиятларни намоён этишга интилади. Мен бугунги ёшларимизнинг хатти-ҳаракатларида ана шундай интилишни сезаман, юз-кўзларида ҳукуматимиз, Президентимизнинг алоҳида ғамхўрликлари учун миннатдорлик ҳиссини кўраман.

Илоҳим, юртимиз ҳамиша тинч-осуда, турмушимиз тўкин бўлсину, ёшларимиз ўзларининг эзгу орзу-ниятларига етсинлар!

СУРАТДА: *Мамлакат Тошева маҳаллада жойлашган 6-сонли болалар боғчаси тарбияланувчилари даврасида.*

Олам турфа

ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛАДИ?

МЕКСИКАЛИКЛАР янги йил кириши олдидан уй шифтига ширинликлар ва баҳайбат ҳайвонлар сурати солинган каттакон хумларни осиб қўядилар. Янги йил киргач, қўлларига таёқ олиб ширинлик ва хумларни урадилар. Кимда ким бир уришда ширинликларни уриб туширса ёки хумни синдирса, янги йил унга бахт олиб келади, деб ирим қилишади.

* * *

ВЬЕТНАМЛИКЛАР янги йил кечаси меҳмонга бормайдилар, тонггача ухламайдилар. Кимки ухлаб қолса ёки меҳмонга борса, йил давомида бахт ундан юз ўгирар эмиш.

* * *

БИРМАЛИКЛАР янги йил кирмагунича кўзаларга сув тўлдириб қўйишади. Янги йил бонги урилгач, бир-бирларига сув сепиб, табриклашади.

* * *

ИТАЛИЯЛИКЛАР янги йил кечаси уйдаги эски буюм ва жиҳозларни ташқарига улоқтирадилар. Шу боис бу мамлакат халқи янги йил кечаси кўчаларда сайр қилишдан бироз хавфсираб турадилар.

* * *

АВСТРИЯЛИКЛАР назарида мўри тозаловчи — бахт-иқбол, омад рамзи. Шу сабабли янги йил кечаси мўри тозаловчига суйкалиб, қурумини юқтирган киши ўзини омадли санайди.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

Муқим ЭРХЎЖАЕВ,
Тошкент вилояти Чиноз туманидаги Муқимий номли фермер хўжалиги раҳбари:



— Фермерлик фаолиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, касбу корримизга барака дориб, жорий йилда 120 млн. сўм соф даромад кўрдик. 127 гектар ердан 40 центнердан, 80 гектар ердан эса 50 центнердан буғдой ҳосили олдик. Ҳомийлик ишларимиз кўлами кенгайди, хўжалигимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамладик. Тилагим, янги йилда ҳар бир инсоннинг эзгу ниятлари албатта ушалсин, далаларимиз ҳосилга, боғларимиз меваларга, дастурхонимиз замин неъматларига тўлсин. Меҳр-оқибат туйғулари қалбимизни тарк этмасин!

Жамшид АХАТОВ,
Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги Олимпия захиралари коллежи талабаси:

Ўзни кўрсатмоқ они келди, дўст!



— Мен мустақиллик тенгдошиман, истиқлолга эришган озод ва обод юртимиз билан бирга вояга етаяпман. Аввало, спортчилар оиласида дунёга келганлигим боис, спортга ошно бўлган бўлсам, кейин юртимиз байроғини халқаро мусобақаларда юқори кўтараётган спортчиларимизни кўриб янада руҳландим. Эркин кураш бўйича бир неча бор вилоят ва республика биринчиликларида ғолиб бўлдим. Айниқса, ўтаётган 2007 йил мен учун омадли келди. Қўшни Қозоғистоннинг Чимкент ва Петропавловск шаҳарларида ўтган халқаро турнирларда учинчи ўрин соҳиби бўлган бўлсам, пойтахтимиз — Тошкенти азимда ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида биринчи ўринни эгалладим. Белорусда бўлиб ўтган Евроосиё чемпионатида чемпионлик унвонини қўлга киритган ва она Ватаним мадҳияси садолари остида ғалаба нашидасини тотган лаҳзаларим ҳаётимнинг энг завқли ва қувончли онлари бўлиб қолди.

Юртимизда биз ёшлар ўртасида спортнинг барча турларини ривожлантириш борасида катта ишлар қилинмоқда, кенг имкониятлар яратилмоқда. Мен бу эътибор аввало, бизнинг келажагимиз тўғрисидаги ғамхўрлик, қолаверса, иқтидоримизга ишонч намунаси деб биламан. Ана шу юксак ишонч, эътиборни оқлашга чин дилдан ҳаракат қиламан.

Яқинлашиб келаётган янги йил мамлакатимиз спортчилари учун омадли келсин, юртимиз довруғи янада юксалсин!

Боир ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

ХОТИРЖАМЛИК ВА МЕҲНАТДА ЎТГАН ҲАР КУН АЙЁМДИР!

— Буни қарангки, шу йилнинг декабрь ойи мамлакатимиз ҳаётида Республикамиз Конституцияси куни байрами, Қурбон ҳайити айёми, Ўзбекистон Президенти сайлови каби муҳим саналарга бой келди. Бу воқеалар ҳар бир юртдошимиз қалбида, онгу шуурида она юртга садоқат, миллий ифтихор каби туйғуларни мавжлантириши билан аҳамиятлидир. Мана, янги 2008 йил ҳам эшик қоқиб турибди. Тинчлик-осудаликда, ижодий меҳнатда, яратувчанлик билан ўтган ҳар бир санани байрам қилсак арзийди. Нуронийларимизнинг тилидан тушмайдиган яхши ниятлар бор: "Келаси шу ой, шу кунларга эсон-омон, хотиржамликда етайлик". Роппароса бир йил бурун, 2007 йилни қаршилаётган дамда шундай ниятлар қилгандик, мана шу ниятимизга етиб, яна янги йилни қаршилаяпмиз.

«Чавандоз» фильмида бош ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Боир Холмирзаев ва Тоҳир Саидов, шунингдек актриса Юлдуз Ҳамроева ижро этишган.

Ижод, санъат аҳли учун яна бир ўзига хос айём борки, у ҳам бўлса янги асарнинг яратилиши ва халқимиз эътиборига ҳавола этилишидир. Шу маънода куни кеча премьераси бўлиб ўтган "Чавандоз" фильмининг суратга олиниши ва томошабинларга ҳавола этилиши якунига етаётган 2007 йилда ижодий фаолиятимда юз берган муҳим воқеа бўлди. Сўнгги икки йил мобайнида суратга олинган ва фильмни яратишда иштирок этган ҳар бир кишидан катта ижодий меҳнат талаб қилган "Чавандоз" фильмида ўзбекона қадриятларимиз, халқимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат туйғулари улуғланади. Биз санъаткорлар Янги йил байрами арафасида юртдошларимизга машаққатли ижодимиз маҳсули — "Чавандоз" фильмини муносиб совға сифатида туҳфа этолганимиздан беҳад шодмиз.

Келгусида шундай сана ва байрамларнинг кўпига етишиш барчамизга насиб этсин!

Кўргазмаларга марҳамат!

"МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН"

Тошкент Фотосуратлар уйида ана шу номда фотокўргазма ташкил этилди

Маълумки, айни пайтда аҳоли яшаш масканларининг обод этилиши, замонавий гузарлар, кўркам иншоотлар қурилиши, фуқароларимиз, айниқса хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларида фаоллиги оширилиши, қолаверса, аҳолининг иш билан таъминланиши каби бугунги куннинг долзарб вазифалари ижросида маҳалла мутасаддилари ва фаолларининг хизмати ва ҳиссаси катта.

— Бугун милий қадрият даражасида эъзозланаётган маҳалланинг турли қирраларини, фаолиятидаги ўзига хос жиҳатларни очиб бериш ва оммалаштиришда фотография санъатининг ҳам ўрни бўлак, — дейди фотокўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Н.Абдуллаев. — Чунки маҳалланинг қирралари шу қадар кўпки, уни фотосуратларда акс эттириб, яъни санъат воситасида инсонлар қалбига сингдиришнинг самараси катта. Зеро, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ва Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ўтказилган "Маҳалладан бошланур Ватан" республика фото кўрик-танловининг асосий мақсади ҳам ана шулардан иборат бўлди.

Айтиш жоизки, мазкур кўрик-танлов асосида ташкил этилган фотокўргазмада Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан тақдим этилган 34 нафар муаллифнинг 96 та фотография иши намойиш этилмоқда. Маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи, ёшлар тарбияси, миллий қадриятларимиз қадр топишидаги аҳамиятига бағишланган фотосуратлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Тошкент Фотосуратлар уйида, шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ташаббуси билан "Тасвирлар: Истиқлол аёллар тақдирида" мавзусида ҳам фотокўргазма очилди.

ТАСВИРЛАРДА ТАҚДИРЛАР

Кўргазма экспозицияси 1911 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврда аёллар тақдирини акс эттирувчи 50 дан зиёд фотоасарлардан ташкил топган.

Экспозициядаги тарихий фотосуратлар М.Пенсон, О.Ландер, К.Разиков, Г.Пун, Д.Михайлов, замонавий фотосуратлар эса Виктор Ан, Турсун Али, В.Жирнов, Р.Шагаев томонидан ишланган. Замонавий фотосуратларда юртимиз хотин-қизларининг турли соҳаларда ўз иқтидор ва имкониятларини намоён этиш учун яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланаётганлиги юксак маҳорат билан кўрсатиб берилган.

Тадбирда маданият ва санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари, фаол аёллар ва пойтахт маҳаллаларининг маслаҳатчилари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев иштирокчиларни самимий қутлаб, ижодий ишларига муваффақият тиладилар.

МУХБИРИМИЗ

Муштарийларга эслатма: «Mahalla» газетасининг навбатдаги сони 2008 йил 8 январь куни чиқади.

ТАҲРИРИЯТ



Ёшлар йили 2008

Салим АШУР

Қор ёғмоқда. Ошиқлар оҳин
Сочаётир жуфту тоқ билан.
Қиш боғларнинг барча гуноҳин
Ёпаётир дока — оқ билан.

Замин — катта давра. Тўрида
Январь, февраль... шошмай... алмашар.
Мошинларнинг чироқ нуридан
Йўлкаларнинг кўзи қамашар.

Пана-пастқам, тепалару дўнг...
Қиш сочмоқда кўп билан камин
Илҳом ила. Қуюқ қордан сўнг
Шоир йўнган каби қаламин,

Бу қорларга керакмас тилмоч,
Бу қорларга керак таржима.
Коинотда чексиз қовурмоч,
Сўзсиз куйга ўхшаш бир нима...

Азиз юртдошлар!

Якинлашиб келаётган Янги йил байрами барчангизга қутлуғ бўлсин. Янги йил хонадонингизга янгидан-янги қувонч, шоду хуррамлик, бахт ва омад олиб кирсин. Мустақил Юртимиз ҳамиша тинч, дастурхонимиз тўкин, маҳаллаларимиз ва қалбларимиз янада обод бўлсин.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ(21.03-21.04)

Келгуси йилнинг биринчи ярмида яқин кишиларингиз билан муносабатда муаммолар юзага келиши мумкин. Баҳорда оилавий масалаларда муҳим қарор қабул қилишингизга тўғри келади. Кузда эса олдингизда турган муаммоларни бартараф этишга муваффақ бўласиз.

СИГИР(22.04-20.05)

Янги — 2008 йилда кўзлаган мақсадингизга эришиш учун жуда эркин ва ўзингизга тўлиқ ишонган ҳолда ҳаракат қиласиз. Аммо осонликча эришган нарсангизни худди шу тарзда бой беришингиз мумкин. Шу боис ҳар бир ишга жиддий ёндашишингиз, эҳтиёткор бўлишингиз лозим.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Келаётган йилда иш фаолиятингизда тўсиқларга дуч келишингиз эҳтимоли бор. Лекин оилавий муносабатлар ва севги бобида омад сиз томонда бўлади. Ёз фаслининг ўрталарида бошқа соҳаларда ўз қобилиятингизни синаб кўриш имкониятига эга бўласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Умуман олганда, келгуси йилда мазкур бурж вакилларининг ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз бериши мумкин. Баҳор фаслининг охири ёзнинг бошида иш фаолиятингизда катта ютуққа эришасиз. Энг муҳими, молиявий масалаларда эътиборли бўлишни унутманг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

2008 йил ишқий саргузаштлар ва ижодий изланишлар билан бошланади. Аммо шахсий масалаларда бироз қийинчиликларга дуч келасиз. Май, июнь ва июль ойларида сизнинг муносабатингиз ён-атрофда содир бўлаётган воқеаларга катта таъсир ўтказиши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Мазкур бурж вакиллари янги йилнинг дастлабки тўрт ойи давомида тинимсиз ишлаши лозим бўлади. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси эса май ойларида кўрина бошлайди. Йил якунида фаолиятингизни кенгайтириш ҳақида ўйлай бошлайсиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Кириб келаётган йилда хатти-ҳаракатларингизни турли нуқтаи назардан таҳлил қилиб кўринг. Яқин кишиларингиз ва дўстларингизга нисбатан кечиримли бўлишга ҳаракат қилинг. Йилнинг иккинчи ярмида янги лойиҳа устида иш бошлашингиз кутилмоқда.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Келгуси йилда сиз ҳамкорликни кенгайтириш ва мавқеингизни янада ошириш имкониятига эга бўласиз. Апрель ойидан сентябрнинг биринчи ўн кунлигига қадар турли ўй-хаёллар, хоҳо-ҳаваларга берилмай, кучингизни аниқ ҳаракатларга йўналтиринг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Янги йилнинг дастлабки кунларидан сиз йил давомида қиладиган ишларни режалаштириб, уларнинг натижаси ҳақида яхшилаб ўйлаб олинг. Бошлайдиган янги ишингизда яқинларингиз сизни қўллаб-қувватлашади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Сичқон мучали йилининг биринчи ярми сиз учун омадли ва қизиқарли тасодифларга бой бўлади. Ўзингизга қаттиқ ишониб, ўзгаларнинг фикрига қулоқ тутмаслигингиз сизга фақат зарар келтириши мумкин. Янги йилда соғлиғингизга эътиборли бўлинг.

КОВҒА (20.01-18.02)

Келаётган йилнинг дастлабки икки ойида кўпроқ ким билан дўст тутиниш керагу, кимдан узоқроқ юриш лозимлиги ҳақида ўйлаб кўрганингиз маъқул. 2008 йилнинг охирги ойлари сиз учун юқори чўққиларни эгаллашнинг янги босқичига айланади.

БАЛИК (19.02-20.03)

Ушбу бурж вакиллари учун янги йилнинг баҳор фасли жуда муваффақиятли келиши кутилмоқда. Октябрь ойида ижодий салоҳиятингизни намойиш қилиш истаги пайдо бўлади. Йил охирида юзага келадиган вазият ўз ҳақ-ҳуқуқларингиз учун курашишингизни талаб этади.

Б.КАЛОНОВ чизган расмлар.

«GULZOR SAVDO» хусусий корхонаси масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, генерал Узоков кўчаси, 64 уй.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САЙДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам КОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 26 декабрь 52 (602)
10316 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1121 Топширилди — 22.00
1 2 3 4 6